



АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мухамедова Севара Абдукахоровна -
ЎзМУ Макроиктисодиёт кафедраси
таянч докторанти (PhD)

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a50

Аннотация. Маҳолада аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳолати ва уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил этилди. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ўйналишлари ва аҳоли турмуш фаровонлигини такомиллаштиришининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

Калим сўзлар: ижтимоий турмуш, ижтимоий инфратузилма, ижтимоий сиёсат, аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, аҳоли даромадлари, аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи.

СОСТОЯНИЕ ДОСТУПА НАСЕЛЕНИЯ К СОЦИАЛЬНЫМ УСЛУГАМ И ПОКАЗАТЕЛИ ИХ ЭФФЕКТИВНОСТИ

Мухамедова Севара Абдукахоровна -
НУУз Кафедра «Макроэкономика»
Базовая докторская степень (PhD)

Аннотация. В статье анализируется состояние доступа к социальным услугам и показатели их эффективности. Изучены направления повышения уровня и качества жизни населения в Узбекистане, а также особенности повышения благосостояния населения.

Ключевые слова: социальная жизнь, социальная инфраструктура, социальная политика, уровень жизни, качество жизни, доход, здоровье населения, здоровый образ жизни.

STATUS OF SOCIAL SERVICES AND INDICATORS OF THEIR EFFECTIVENESS

Muhamedova Sevara Abdukaxhorovna -
NUUz "Department of Macroeconomics"
Basic Doctorate (PhD)

Annotation. The article analyzes the state of access to social services and indicators of their effectiveness. The directions of improving the living standards and quality of life of the population in Uzbekistan, as well as the specifics of improving the welfare of the population were studied.

Keywords: social life, social infrastructure, social policy, living standards, quality of life, income, population health, healthy lifestyle.

Кириш. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат ва ижтимоий сиёсатнинг муҳим, устувор вазифаси ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражаси, кайфияти, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга муносабати қандай бўлиши, биринчи навбатда, улар қайдаражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ. Ижтимоий соҳани ривожлантириш 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим устувор ўйналиши сифатида қабул қилиниши ушбу соҳанинг давлат ижтимоий сиёсатида илмий-амалий долзарб аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг ман-

зиллилигини янада ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Хусусан, жаҳонда хукм сураётган коронавирус пандемияси аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа муддатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-куватлашнинг шаффоғ ва самарали инструментлари бўлишини тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикасида аҳолини, шу жумладан, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилиб келинаётган ишларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолотланган ижтимоий таъминот олиш хуқуқини рўёбга чиқа-

ришга қаратилган. Масалан, Конституциянинг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш хуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган. Новгородов: “..нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлиги ортиши, ўз ўрнида, иштирокчиларни молиявий барқарорликка эриширади ва бу орқали фуқароларнинг хизмат кўрсатиш соҳасига талаби ортишига сабаб бўлади, натижада мамлакатдаги хизматлар соҳасининг улуши ортади”, – деб таъкидлаган” [4].

Каспарьянц таъкидлашича, “пенсия таъминоти” аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳолати ва уларнинг самардорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки фуқаролар меҳнатлаёқатини йўқотганда, ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлари ортади ва шу ўринда пенсия миқдорининг даражасига қараб талаб миқдори ҳам ортиб боради [8].

Иваненко пенсиялар тўғрисида тўхтаби, муайян тоифадаги фуқароларни давлат томонидан моддий қўллаб-куватлаш шакли сифатида, дастлабки қайд этишлар узоқ даврга, антик замонларга бориб тақалишини, қадимги Юнонистонда давлат олдида алоҳида хизматларга эга кекса фуқароларга нафақалар берилганини, Рим империясида ҳарбий хизматчиларни бутун ҳаёти давомида сақлаб туриш учун ҳарбий пенсиялар жорий этилганини қайд этиб ўтади [2].

Тадқиқотчи олимларимиздан Д.Р.Рустамов ўз тадқиқотларида хорижий давлатларда пенсия фонди даромадлари шаклланишида иш берувчилар билан ишловчиларнинг суғурта бадаллари ўртасидаги нисбатда аҳоли турмуш даражаси ортиб боргани сари фуқароларнинг иш ҳақидан тўлайдиган тўловлари улуси ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигини асослаб берган. Ўз ўрнида, бу кўрсаткичлар аҳолида ижтимоий хизматларга бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қиласи [11].


Зиядуллаевнинг таъкидлашича [12], иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни тақозо этади. Жаҳон тажрибасига кўра, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш бошқа даромад ҳисобга олинган ҳолатда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағаллиқдан ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Пенсия тизими таъминот асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион хуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизими га хизмат қилувчи пенсия жамғармаси учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, аҳоли ижтимоий табақалашувини юмшатишга йўналтирилганлиги, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиши муддатларининг мос келмаслиги, мустақил молия-кредит ташкилоти ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма эканлиги ҳамда ижтимоий таъминотнинг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар хосдир.

А.В. Ваҳабов таъкидлашича, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни тақозо этади [3].

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тизими бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш тизимида юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва келажақда такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши бўйича билишнинг қиёсий-хуқуқий, тизимли-мантиқий таҳлил, илмий таҳлил этиш усулларидан кенг фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар. Мустақилликнинг ilk йиллариданоқ мамлакатимизда аҳолига зарур ижтимоий хизматларни кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар муентазам амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, аҳоли саломатлигини таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича республикамизда бир қатор ишлар амалга оширилди. 1991-2016 йиллар мобайнида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиникалар сони икки баробардан зиёд ортган ҳолда, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 6542 тани ташкил этди. Шифохона муассасалари сони эса тадқиқ этилаётган даврда қарийб 20 фоизга камайиб, 1106 тага тенг бўлди (1-расм). Соғлиқни сақлаш тизимида амбулатория-поликлиника муассасалари сонини оширишдан мақсад аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборат. Чунки бу турдаги муассасалар аҳоли яшаш пунктларига яқин ҳудудларда жойлашган бўлиб, хизмат кўрсатиш тезлигининг ортишига сабаб бўлади.



**1-расм. Ўзбекистонда даволаш-профилактика муассасалари сони
(дона бирлик ҳисобида) [15]**

Амалга оширилган мақсадли ислоҳот чора-тадбирлари натижасида 1991-2016 йилларда амбулатория-поликлиника муассасаларининг бир сменадаги қуввати 46 фоизга ортиб, 411,9 минг кишини қабул қилиш имкониятига етди. Бир йилда бир кишига тўғри

келадиган амбулатория-поликлиника муассасаларига қатновлар сони 10 мартадан ортди (2-расм). Бу эса ўз навбатида, аҳолининг тиббий хизматлар билан қамрови даражасининг йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.



2-расм. Амбулатория-поликлиникаларнинг бир сменадаги қуввати [15]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 1991-2016 йилларда стационар муассасалар сони 20 фоизга камайиб, самараисиз ишлайтган шифохоналардаги шифо ўринлари сони оптималлаштирилди. Стационар муассасаларидағи ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган ўринлар сони 1991 йилда 125,5 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 41,1 тага тенг бўлди (3-расм).

Аҳоли саломатлиги ва мамлакатда соғлом турмуш тарзини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, модернизациялаш, соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, тиб-


биёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва миллий соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга қаратилган мақсадли давлат дастурларини изчил амалга ошириш натижасида мамлакат аҳолисининг ўртacha умр қўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67,2 йиллик кўрсаткичдан 2016 йилга келиб 73,6 йилга тенг бўлди. Мамлакатимиз аҳолисининг умр давомийлиги соғлиқни сақлаш тизимида қўлга киритилган ижобий натижалар ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тобора такомиллашиб бораётганидан далолат беради (4-расм).



3-расм. Аҳолининг шифохона ўринлари билан таъминланганлик даражаси [15]

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Барчага маъ-


лумки, узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланган мактабгача таълим муассасалари болаларнинг соғлом ўсиши ва тизимли ўқишга тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.



4-расм. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги қўрсаткичи (йилда) [14]

Ўзбекистон Республикасида 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси 2016 йилда шу ёшдаги аҳолининг 23,8 фоизни ташкил этган ҳолда 690 975 нафар болаларни қамраб олди. Шундан 53 фоизи ўғил болалар бўлса, 47 фоизини қиз болалар ташкил этди (5-расм).


Мамлакатимизда мактаб ёшидаги болаларнинг мактабларда таълим олиш қамрови 99,9 фоизга teng бўлди. Мактабдан кейинги босқичга касбга йўналтирилган таълимнинг жорий этилиши ва 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижасида колледж ва лицейларда умумий таълим олаётган ёшларнинг улуши 99,8 фоизни ташкил этди (6-расм).



5-расм. Мактабгача таълим муассасаларининг қамрови даражаси (3-6 ёшдаги қиз/ўғил болаларнинг жамига нисбатан фоизда) [14]

Экспертлар томонидан берилган хулосаларга кўра, ёшларнинг умумий ўрта таълим хизматлари билан қамрови даражасидаги 0,1 фоиз ва ўрта маҳсус хизматлари билан қамровидаги 0,2 фоизлиги камчилик болаларнинг айrim сабабларга кўра уйда ёки хориж мамлакатларида таълим хизматларини олаётганли-


ги билан тавсифланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда ёшларнинг таълим хизматлари билан тўлиқ қамраб олинганлиги ва мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлиги даражаси йилдан йилга ортиб бораётганидан далолат беради (7-расм).



6-расм. Ёшларнинг таълим хизматлари билан қамрови даражаси (фоиз ҳисобида) [14]

Ижтимоий соҳада олиб борилган ислоҳотларнинг натижаси халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топди. Масалан, Буюк Британиянинг Легутум институти (Legatum Institute) томонидан ҳар йили элон қилинадиган аҳоли турмуш даражаси ва сифати индекси халқаро рейтингида Ўзбекистон 2016 йилда

Россия (59), Белоруссия (63), Украина (75), Қирғизистон (67) ва Қозоғистон (58) каби мамлакатларни ортда қолдирган ҳолда 55 [9] ўринни эгаллади. Бошқача қилиб айтганда, 2010-2016 йиллар мобайнида Ўзбекистон мазкур рейтинг тизимида 21 поғона олдинга сизжишга сазовор бўлди.



7-расм. Ўзбекистон аҳолисининг саводхонлиги даражаси (фоиз ҳисобида) [14]

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳот чора-тадбирлари дастурлари ўз ўрнида мамлакатимиизда аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор сурътларда ошиб бориши учун замин яратмоқда. Аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни сифат жиҳатидан такомиллаштириш соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимизнинг ҳар тарафлама равнақи учун хизмат қиласи, деб айтиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, пенсия тизимининг самарадорлиги мамлакат аҳолисининг умумий турмуш даражасини ёмонлаштиргмаган тарзда пенсия ёшидаги фуқароларнинг муносаб турмуш сифатини таъминлашга йўналтирилган давлат харажатларининг маҳсулдорлигини англатувчи комплекс мезондир. Шу ўринда айтиш керакки, ўзини оқламайдиган давлат харажатларининг кўпайиши, бюджет дефицити ҳамда ички ва ташқи қарзнинг белгиланган меъёрдан ўсиши мамлакатда аҳоли умумий турмуш даражасининг ёмонлашишига олиб келувчи омиллардир.

Ўзбекистонда пенсия тизимини такомиллаштириш жараёнида ижодий фойдаланиш имкониятлари борасида қатор хулосалар қилиш имконини беради:

1. Ўзбекистонда пенсия тизимини босқичма-босқич ислоҳ этишнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

2. Ўзбекистонда кўп даражали аралаш пенсия тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистонда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш лозим.

4. Ўзбекистонда пенсия тизимидағи турли имтиёзларни ва пенсияга барвақт чиқиши камайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириш.

5. Ўзбекистонда мавжуд пенсия тизимини модернизациялашда пенсия миқдорини меҳнат стажига қараб эмас, балки суғурта стажига асосан тўлашга босқичма-босқич ўтиш.

Чиқарилган хулосалар принципиал аҳамиятга молик бўлиб, улар пенсия тизими самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилашда ўзига хос фундамент вазифасини бажармоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий суғуртани ривожлантириш самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилашда пенсия тизими асос сифатида қаралаётган экан, бунда Пенсия фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш йўналишларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ортиб бориши, ўз навбатида, пенсионерлар сонининг ортишига таъсир этади, бу эса пенсия ёшида-

ги аҳоли соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий талабгорларига айланишидан далолат беради. Ушбу аҳоли таркибидаги ўзгаришлар ЯИМда хизматлар соҳаси улушининг ортишига, пировардда эса миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда иқтисодий ўсишини

таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун пенсия ёшини ошириш ва пенсия тизимида қўшимча манбаларни ташкил этиш иқтисодиёт учун ҳам, фуқароларнинг пенсия ёшидан кейинги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хошимов П.З. Экономика социальной сферы. – Т.: Университет, 2002.
2. Иваненко Л.В. Пенсионный Фонд Российской Федерации. – М.: Дашков, 2002.
3. Вахабов А. Бозор муносабатлари тизимида ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ, 2003.
4. Новгородов Павел Анатольевич. Оценка финансовой устойчивости негосударственных пенсионных фондов. Автореферат докторской на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Новосибирск, 2004.
5. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X., Qurboniyozov I.R. Aholini ijtimoiy tifofaza qilish. O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2010.
6. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар. – Т.: Академия, 2010.
7. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш турмуш даражаси. / Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2014. – 202 б.
8. Каспарьянц С.А Реформирование системы пенсионного обеспечения. // Финансы, № 1, 2014.
9. "The Legatum Prosperity Index 2016" маълумотлари асосида тузилган.
10. Ваҳабов А.В. раҳбарлиги остида. Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018.
11. Рустамов Д.Р. "Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ўйналишлари" маевуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Dc) даражасини олиш бўйича авторефарати. – Т., 2018.
12. Зиядуллаев М.Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини бошқариш ва тақомиллаштириш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2018.
13. Ваҳабов А.В. умумий таҳрири остида. Ижтимоий сиёсат. Ўқув қўлланма. – Т.: Мумтоз сўз, 2019.
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида. www.stat.uz
15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари. www.minzdrav.uz